

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

**“Фермер хўжаликларини бошқариш илмий изланиш
асослари билан” фанидан**

КУРС ЛОЙИХАСИ

**Мавзу: Бозор иқтисодиёти шароитида фермер
хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш
йўллари**

Бажарди: “Қишлоқ хўжалигида менежмент” факултети ФХБ таълим
йўналиши 4 босқич 4-гуруҳ талабаси Бекмирзаев Музаффар.

Қабул қилди:

Д.Исламова

Андижон -2016 йил

Мавзу: Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

РЕЖА

Кириш

1. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва зарурлиги.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш йўллари.

3. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва унинг таҳлили.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Хулоса

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожланишини таъминлаш мақсадида соҳада туб таркибий ўзгаришлар ўтказилмоқда. Жумладан, Президентимиз кўрсатмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2011- 2015 йилларга мулжалланган аграр тармоқни ривожлантиришнинг махсус истиқболли дастури ишлаб чиқилди. Дастурда қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш асосида аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар асосида уни ялпи ички маҳсулотини мунтазам йиллик ўсиши таминланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотини йиллик ўсиши 2005 йилда 5,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 6,9 фоизга тенгдир. Мамлакатимизда 2014 йил якунларига кўра 8 миллион 50 минг тонна ғалла ва 3 миллион 400 минг тоннадан ортиқ пахта хом-ашёси, 8 миллион 400 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари йиғиб олинди. Охирги йилларда барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини мунтазам ошиб бориши таъминланмоқда. Мелиорация тadbирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 сентнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 сентнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини хом-ашё билан таъминлаш ҳамда мамлакат валюта тушумини кўпайтириш манбаи, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун потенциал бозор сифатида қишлоқ хўжалигининг ахамияти беқиёсдир. Ўсимликчилик тармоқларининг республика ҳамда қишлоқ хўжалик

корхоналари иқтисодиётидаги ўрнини, аҳамиятини эътиборга олган ҳолда келажакда уларни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш энг асосий вазифалардан биридир. Бу муаммони ижобий ҳал этиш учун, аввало, эркин бозор талабларини эътиборга олган ҳолда қандай турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ва қанча миқдорда етиштириш зарурлигини аниқлаб олиш лозим. Бунда давлатнинг қандай маҳсулотларга ва қанча миқдорда эҳтиёжманд эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки давлат ўз эҳтиёжини қондирадиган товар ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар яратмоқда.

Хўжаликлар бошқа истеъмолчиларнинг қисқа ва узоқ муддатли талабларини ҳам чуқур ўрганишлари, ўз ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда бошқа талабларини аниқлаб олишлари лозим. Қайси маҳсулотни ва қанча миқдорда етиштириш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашда уларнинг самарадорлигини, албатта, эътиборга олиш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик ўз талабини қондирадиган миқдорда фойда келтирадиган маҳсулотларни етиштириш билан шуғулланиши лозим.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг иқтисодий жихатдан энг самарали хўжалик юритиш шакли эканлиги инобатга олиниб уларни ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Фермер хўжаликларини қишлоқда барқарор хўжалик юритиш шаклига айлантириш ва уларни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги охир-оқибатда унинг самарадорлиги асосида шаклланади. Бу соҳада самарадорлигининг яқунловчи асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликнинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада юқоридир. Шунини ҳисобга олиб фермер хўжаликларида фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида

рентабелликни камида 35 фоизга кўтарилишини таъминлаш чоратадбирларини кўришлари лозим.

Республикада ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларини ташкил этиш, мустахкамлаш ва самарали фаолият кўрсатишларни таъминлаш бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни хал этилишига алохида аҳамият берилмоқда.

1. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва зарурлиги.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг иқтисодий жihatдан энг самарали хўжалик юритиш шакли эканлиги инобатга олиниб уларни ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хўжаликлар бошқа истеъмолчиларнинг қисқа ва узоқ муддатли талабларини ҳам чуқур ўрганишлари, ўз ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда бошқа талабларини аниқлаб олишлари лозим. Қайси маҳсулотни ва канча миқдорда етиштириш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашда уларнинг самарадорлигини, албатта, эътиборга олиш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик ўз талабини қондирадиган миқдорда фойда келтирадиган маҳсулотларни етиштириш билан шуғулланиши лозим.

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кескин оширмасдан туриб уларни барқарор ривожланишини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Президентимиз ушбу масалага тўхталиб куйидагиларни таъкидлайди «...ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қабътий талаб этмоқда.»¹

Рақобатбардошлик даражаси маҳсулотни таннархи ва сифати асосида аниқланади. Маҳсулот таннархи фермер хўжалиги самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган энг асосий иқтисодий категориялардан бири бўлиб, у ўзида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш

¹ И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон – 2009 йил 23 бет.

ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттиради. Махсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш, моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Республикада ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларини ташкил этиш, мустахкамлаш ва самарали фаолият кўрсатишларни таъминлаш бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этилишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иқтисодий самарадорликни ошириш масаласи умумиқтисодий муаммо сифатида илмий изланувчилар ва амалиётчилар томонидан ўрганиб келинган. Бироқ, мазкур изланишларнинг аксарияти иқтисодиёт субъектларининг ҳуқуқий–иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган шароитда олиб борилган бўлиб бу борадаги илмий ва амалий таклифларни реал хўжалик юритиш шароитига материаллашуви учун етарли шарт-шароит бўлмаган ёки улар мавжуд сиёсий тизим характериға тўғри келмас эди. эндиликда эса мавжуд илмий адабиётлардаги турли қарашлар ва концепцияларни ўрганиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқиши мумкин бўлган янги изланишларни, қарашлар ва мулоҳазаларни илгари суриш заруриятга айланди чунки, ҳар қандай янги иқтисодий – сиёсий тизим ўзининг яшамоғи ва мустаҳкамланмоғи учун ўзига хос бўлган унинг барча талабларига жавоб берувчи концепцияларига эга бўлмоғи керак. Шу давргача иқтисодчи олимларнинг олиб борган илмий изланишлари орқали иқтисодий самарадорлик тушунчасига изоҳ берамиз.

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда

айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди. Масалан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, ем-хашаклардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар. Демак, «самарадорлик» ҳамда «иқтисодий самарадорлик» категориялари бир-бирлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларни юксалтириш учун корхоналар барча масалаларни ижобий ҳал этишлари лозим. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш даражаси юксалади. (Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - (дарслик) - Т.: ТДИУ, 2006 – 302 бет.)

Бир қатор Россиялик иқтисодчиларнинг таъкидлашларича «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг ошиши бир бирлик харажат ва фойдаланилаётган ресурслар ҳисобига кўпроқ маҳсулот ва даромад олинишини билдиради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг ошиши олинган самара ва натижани сарфланган харажат ва ресурсларга таққослаш орқали аниқланади.» (В.П.Хоровкин, И.А.Аомыкин, А.Г.Зелднер. Словар – справочник экономиста АПК Москва. экономика. 1990 г. 105 стр)

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан

ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. (А.Исмоилов, О.Муртазаевлар Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик Самарқанд-2005 й)

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги қатор кўрсаткичлар орқали аниқланиб баҳо берилади. Бу кўрсаткичлар ҳақида ўзбек олимларидан А.А.Абдуғаниев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” дарслигида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолияти молиявий таҳлил қилинади. Улар билан мамлакат ҳамда корхона иқтисоди бевосита боғлиқ.

Т,Ергашев, Р.Исмаиловларнинг таъкидлашларича «Фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантиришнинг манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойда ҳар қандай хўжалик юритиш субъектнинг, қолаверса,

бутун иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Чунки фойда бермайдиган иш ёки фаолиятга ҳеч қўл урмайди, беҳудага сарф харажат қилмайди» (Иқтисодий саводхонлик асослари. Тошкент. Шарқ. 2001 й. 62 бет).

Деҳқончиликда инсон омилининг таъсири чекланган характердаги табиий-экологик омиллар меъёрида бўлган шароитда агротехнологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий ёки ҳуқуқий омиллардан қай бирини бузилиши маҳсулот етиштириш самарадорлигини пасайтиради. Шунингга назардан тармоқ ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигини белгиловчи омилларни барчасига бир хил муносабатда бўлиш асосида улардан самарали фойдаланиш деҳқончиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархларининг ошиши шу маҳсулотлар самарадорлигига ҳам таъсир этган. Яъни маҳсулотларни сотиш натижасида олинishi мумкин бўлган фойда суммаси унчалик кўпаймаган. Лекин, сўнгги йилларди қишлоқ хўжалик корхоналари экинларнинг серҳосил, кам сув талаб этадиган, қисқароқ муддатларда пишиб етиладиган навларини экиш, янги техникалардан, самарали технологиялардан ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларида фойдаланиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосилини сифатига путур етказмаган ҳолда тезроқ йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Республика деҳқончилигининг асосий тармоқлари фойда келтириб, рентабелли тармоққа айланган, бироқ барча тармоқларнинг рентабеллиги бозор иқтисоди талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Аниқроғи, муайян соҳалар (пахтачилик, ғаллачилик, ем-хашак етиштириш) дан олинаётган фойда хўжаликлар фаолиятини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантиришни таъминлай олмайди. Шундай экан, келажакда ўсимликчиликнинг барча соҳаларини ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш лозим.

2. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш йўллари.

Самарадорлик ва иқтисодий самарадорликни асословчи юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб бу тушунчалар ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш ўринли бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларини такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилган натижани шу мақсадлар учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат миқдориغا нисбати ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодалайди. Кишилиқ жамиятида моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш ҳаётий зарурият бўлиб, бу жараёнда моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнат сарфини камайтириб бориш иқтисодий самарадорликка эришишнинг асосий омилидир.

Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида самарадорлик ижтимоий, иқтисодий ҳамда экологик самарадорлик кўрсаткичлари билан ифодаланиб, бу кўрсаткичлар ўзаро фарқланиши билан бир қаторда бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодий самарадорлик кам меҳнат ва моддий ҳаражат сарфлаб, атроф муҳит ва экологик мувозанатга салбий таъсир кўрсатмасдан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига охирги натижа яъни, фойдани шакллантириш билан асосланади. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш пировард натижаларини ишлаб чиқарувчи ва жамият аъзолари манфаатлари билан ўзаро уйғунлигини охир оқибатда “ижтимоий самарадорлик”ни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигини аниқлашда бир қатор иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини назарий жиҳатдан талқин этишда аниқ чегаралар йўқ. Шунинг учун ушбу кўрсаткичлар нисбатини

аниқлаш масаласи очиклигича қолмоқда. Бу масалага аниқлик киритиш, ечимлари ичидан энг мақбулини танлаш пахтачилик иқтисодий самарадорлигини ўрганиш ва баҳолашнинг бошланғич нуқтаси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги давргача иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг услубиёти ҳақида тадқиқот олиб борган олимларнинг бу соҳадаги фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида кўрсаткич ҳисобланган экин майдонлари ҳисобига олинган ҳосилдорлик тармоқ иқтисодий самарадорлиги ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишга имкон бермайди. Чунки, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни аввалги йилларга нисбатан ошганлиги тармоқ иқтисодий самарадорлигини аниқ кўрсатмайди. Аммо, тармоқ иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи иқтисодий омиллар натижавийлигини бошланғич асоси экинлар ҳосилдорлиги эканлигини ҳисобга олсак, ҳосилдорликка тармоқда иқтисодий самарадорликка эришишнинг бошланғич нуқтаси сифатида қараш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, турли хўжалик юритиш шаклларида тармоқ иқтисодий самарадорлигини баҳолашда экин турлари ҳосилдорлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳосилдорлик яратилган ялпи ҳосил (ЯХ)ни экин майдонлари (ЕМ)га нисбати орқали аниқланадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланиб, асосан натурал кўринишда (кг, ц, тонна) ҳисобга олинади.

$$X = ЯХ / ЭМ$$

Екин ҳосилдорлиги унга таъсир этувчи омиллар яъни, табиий, ташкилий иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқдир. Мана шу омиллар қай даражада шаклланганлиги ҳамда уларнинг таъсирчанлик даражасига қараб маҳсулот етиштирувчи хўжаликларда ҳосилдорлик турлича бўлади. Маҳсулот етиштирувчи хўжаликларни экин ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш ҳар бир хўжаликни бу соҳадаги

имкониятларини баҳолаш имконини беради. экин ҳосилдорлиги бўйича хўжаликларни гуруҳлаш қуйидагича амалга оширилади.

$$Ж = ФХ / Н$$

Ж – гуруҳларнинг экин ҳосилдорлиги бўйича фарқи;

ФХ – аниқланаётган хўжаликлар экин ҳосилдорлигидаги фарқ;

Н – гуруҳлар сони (қанча кўп бўлса, натижа шунчалик аниқ бўлади);

Аниқланаётган хўжаликлар экин ҳосилдорлигидаги фарқ (ФХ) қуйидагича аниқланади.

$$ФХ = X_{\max} - X_{\min}$$

$X_{\max}$ – аниқланаётган хўжаликлардаги энг юқори экин ҳосилдорлиги;

$X_{\min}$ - аниқланаётган хўжаликлардаги энг паст экин ҳосилдорлиги;

Енди ҳар бир гуруҳдаги хўжаликлар экин ҳосилдорлигини юқори чегарасини аниқлаш талаб этилади. Бу эса қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$Ж_1 = X_{\min} + Ж \quad \text{ёки умумий ҳолатда} \quad Ж_n = Ж_{n-1} + Ж$$

Ўсимликчилик маҳсулоти етиштирувчи хўжаликларни ҳосилдорлик бўйича гуруҳларга ажратилиши ҳар бир гуруҳдаги хўжаликларда экин ҳосилдорлигини ошириш бўйича эришилган ютуқлар, камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлашга асос бўлади.

Ўсимликчилик иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг қиймат кўрсаткичлари ичида ялпи маҳсулот бошланғич қиймат кўрсаткичи сифатида талқин этилади. Чунки, ялпи маҳсулот тармоқда йил давомида етиштирилган маҳсулотни пул шаклида ифодалаб, тармоқ иқтисодий самарадорлигини қиймат кўринишида баҳолашга асос бўлувчи дастлабки кўрсаткичдир. Ялпи маҳсулот қиймати тармоқ иқтисодий самарадорлигини ўзида тўла акс эттирмайди. Чунки, ялпи маҳсулот ўзида пахтачиликдаги соф даромад (СД) билан бир қаторда ишлаб чиқариш харажатлари (ИХ)ни ҳам акс эттиради.

$$ЯМ = СД + ИХ$$

Ялпи маҳсулотни асословчи бу икки кўрсаткични ҳар ҳил нисбатда бўлиши иқтисодий самарадорликка ўзини турлича таъсирини ўтказди. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда ялпи маҳсулотнинг ўзига ҳос бўлган камчиликлари билан бир қаторда ижобий жиҳатлари ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, ялпи маҳсулотнинг экин майдонларига бўлган нисбатидан ҳамда унинг натурал кўрсаткичидан ўсимликчилик хўжаликларида ердан фойдаланиш даражасини аниқлашда ҳамда уларни ўзаро таққослашда кенг фойдаланилади. Ялпи маҳсулотнинг натурал ва қиймат кўрсаткичларидаги миқдори экин майдони, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатига бевосита боғлиқдир. Ўсимликчиликдаги эришилган ялпи даромад ҳам ялпи маҳсулот миқдorigа мос ҳолда шаклланади. Ялпи даромад (ЯД) ялпи маҳсулот (ЯМ) нинг пул материал ҳаражатлари (ПМХ) дан холи қисми

$$\text{ЯД} = \text{ЯМҚ} - \text{ПМХ}$$

ҳисобланиб, унинг экин майдонларига бўлган нисбати тармоқда иқтисодий самарадорликни тўлароқ акс эттириш имкониятини беради. Ялпи даромад ва рентабеллик кўрсаткичлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб рентабеллик (Р) фойда (Ф)ни ишлаб чиқариш ҳаражатлари (ИХ)га нисбати билан ҳисобланиши

$$P = F / IX * 100$$

билан ялпи даромад таркибидаги фойда нисбати рентабеллик даражасига бевосита таъсир кўрсатишини асослайди.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги (У) вақт бирлиги (В) да ишлаб чиқарилган маҳсулот (М) миқдори (қиймати) ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарф этилган вақт орқали аниқланади.

$$U = M / B \text{ ёки } B / M$$

Ўсимчиликда меҳнат унумдорлиги тармоқни меҳанизациялашганлик даражасига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат технологик жараёнларда жисмоний

меҳнат сарфини камайиши ва буюмлашган меҳнат сарфини ошириши билан асосланади. Бу эса ўз навбатида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан қай даражада фойдаланилаётганлиги фонд қайтими (Фқ) бир сўмлик асосий фонд (АФ) ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот қиймати (ЯМК) ҳамда фонд сифими бир сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келувчи асосий фонд қиймати кўрсаткичи орқали аниқланади.

$$\Phi_k = ЯМК / АФ$$

$$\Phi_c = АФ / ЯМК$$

Бу кўрсаткичларни аниқ ва ижобий бўлиши ўсимликчиликда меҳнат унумдорлиги ва охир оқибатда иқтисодий самарадорлик даражасига ўз таъсирини ўтказади.

Кўрсаткичлар тизимини ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб тармок иқтисодий самарадорлигини баҳолашда иқтисодий самарадорликка бирламчи асос бўлувчи ва ижтимоий муносабатларга йўналтирилган бозор иқтисодиёти талабларига тўлароқ мос келувчи кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади ва уларга “асосий кўрсаткичлар” нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кўрсаткичлар қуйида ўз аксини топган:

- екин майдонлари ҳисобига олинган ҳосилдорлик, (ц.га ҳисобида);
- бир ишловчига ҳисобланган ялпи даромад, (сўм ҳисобида);
- бир ишловчи ҳисобига соф фойда, (сўм ҳисобида);
- ишловчиларнинг пул даромади, (сўм ҳисобида);
- рентабеллик даражаси, (фоиз ҳисобида).

Юқорида таъкидланганидек, ҳосилдорлик ўсимликчилик иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар натижавийлигининг бошланғич асоси ҳисобланади. Иқтисодий самарадорликни белгиловчи иқтисодий кўрсаткичларни қай даражада шаклланиши ҳосилдорликка боғлиқ бўлади. Ҳосилдорликни юқори бўлиши ялпи маҳсулотни

натурал ёки қиймат нуқтаи назардан ўсишига, бу эса ялпи даромад, фойда ҳамда рентабеллик кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказади. Шу жиҳатдан баҳо берсак, ҳосилдорлик иқтисодий самарадорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлардан эканлигини англаймиз.

Ялпи даромад ўз хусусиятларига кўра иқтисодий самарадорликнинг ўзида тўлароқ акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, у ўзида пахтачиликда эришилган фойда ва иш ҳақини акс эттиради. Мана шу икки кўрсаткичнинг турли нисбатлари ялпи даромаднинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига ўз таъсирини ўтказади. Жумладан, ялпи даромад таркибидаги фойда нисбатини юқорилиги иқтисодий самарадорликни ўсишини таъминласада, аммо маҳсулот етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ўзида тўла акс эттира олмайди. Бу ҳолатда моддий манфаатдорлик ялпи даромад таркибидаги иш ҳақи нисбатини оптимал даражада бўлишлиги билан белгиланади. Шу асосда ялпи даромад таркибидаги фойда ва иш ҳақини ўзаро нисбати икки ҳил вазиятни келтириб чиқаради. Биринчи вазият самарадорликнинг юқорилиги ва иш ҳақини талаб даражасидан пастлигини кўрсада, иккинчи вазият эса, самарадорликнинг пастлиги, аммо иш ҳақини талаб даражасида эканлиги билан асосланади.

Фермер хўжаликлари биринчи вазиятга эришиш учун маҳсулот етиштирувчилар иш ҳақини қисқартириш ҳисобига соф даромадни ошириб кўрсатадилар. Бу эса биринчидан, маҳсулот етиштирувчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатига ўзининг салбий таъсирини ўтказади, иккинчидан эса, ижтимоий муносабатларга йўналтирилган бозор иқтисодиёти талабларини бузилишига олиб келади. Шу асосда ўсимликчилик хўжаликларида ялпи даромадни ҳисобга олишда ҳар икки нисбатга тўғри эътибор қаратилиши талаб этилади. Юқорида келтирилган хусусиятлар ялпи даромадни экин майдонларга нисбатини асословчи кўрсаткичини дехкончиликда

иқтисодий самарадорликни ўзида нисбатан тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич деб ҳисобланишига асос бўлади.

Соф фойда маҳсулот етиштирувчиларнинг мавсумий охириги йиллик натижасини белгиловчи қиймат кўрсаткичи ҳисобланади. Кишлоқ хўжалигида эришилган фойдани тақсимоли кўп жиҳатдан уни ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Бу жиҳатдан фойда турли хўжалик юритиш шаклларида ўзгача аҳамиятга эгадир. Мазкур масалада ширкат ва фермер хўжаликларида фойдани тақсимоли фикримизнинг далили бўлади. Ширкат хўжаликларида маҳсулот етиштирувчиларга фойдани бир қисми дивидент шаклида берилади ва қолган қисми белгиланган мақсадларга ишлатилади. Фермер хўжалигида эса фойдани алоҳида тақсимоли белгиланмаган, бу масалани фермернинг ўзи ҳал қилади. Ижтимоий муносабатларга йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ўсимликчиликда эришилган фойда маҳсулот етиштирувчилар эҳтиёжлари учун хизмат қилиши зарурлигини ҳисобга олсак, фойдани бир ишловчига бўлган нисбат кўрсаткичи тармок иқтисодий самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан эканлигини кўрамиз. Шунингдек, фойдадан ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашда асос сифатида фойдаланилади.

Рентабеллик тармок иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида сарфланган бир сўмлик ҳаражат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра тармокнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида тармок салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Маҳсулот таннархи эса уни ишлаб чиқариш учун кетган пул материал ҳаражатлари ва иш ҳақидан иборатдир. Ҳаражатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини

камайтириш ҳоллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан таннарх таркибидаги бу икки нисбат оптималлигини таъминлаш бозор иқтисодиётининг асосий талабидир. Юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларга моддий манфаатдорлик нуктаи назаридан баҳо берсак, уларнинг ҳар бири ўзида иқтисодий самарадорликни баъзи бир жиҳатларини акс эттириши билан бир қаторда мавсум якунидаги моддий манфаатдорликни назарда тутати. Аммо, маҳсулот етиштирувчиларни мавсум давомидаги эҳтиёжларини қондириш ҳам муҳим зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эса натурал ва қиймат кўринишидаги даромадлар ҳал этади. Кишлокда маҳсулот етиштирувчиларни иш ҳақи билан таъминлаш даражасини ўзида тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич бу бир ишловчи ҳисобига пул даромадларининг миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришдан олинган соф фойдани ҳодимлар сонига нисбатини мавсум ойлари бўйича қайта ҳисоби билан асосланади. Кишлок хўжалигида бу кўрсаткични ҳисобга олиш биринчидан, маҳсулот етиштирувчиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳолатини аниқлаш ва шу асосда уни яхшилаш чора тадбирларини белгилаш имконини берса, иккинчидан, маҳсулот етиштирувчиларни мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатини яхшиланишига, учинчидан эса уларни ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш учун замин яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, тармок иқтисодий самадорлигини баҳолашда иқтисодий самарадорликни кўрсаткичлар тизимидан ўзаро уйғунликда фойдаланиш яхши натижа беради.

3. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва унинг таҳлили. (Қўрғонтепа туманидаги “Мулкдор ободлиги” фермер хўжалиги мисолида)

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйилиши асосида юқори натижаларга эришилиши нафақат қишлоқ аҳолисининг даромадини ортишига, балки Республикамиз аҳолисини сифатли ва мўл–кўл озиқ–овқат маҳсулотлари, саноатини эса хом–ашё билан таъминлаш даражасини яхшиланишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунлар ҳамда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Шу билан бирга кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдорига эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги ёки ер қайтими маълум бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди.

Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охирги йилларда барча соҳаларда ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Бунини биз «Мулкдор ободлиги» фермер хўжалигининг охирги уч йил мобайнидаги маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали

фойдаланилгани туфайли охирги йилларда барча сохалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Бунини биз «Мулкдор ободлиги» фермер хўжалигининг охирги уч йил мобайнидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги батафсил маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланган. Экин майдонидан 37,7 гектарини туман захира фондига топшириши ҳамда алмашлаб экишни жорий этиш натижасида унинг таркиби қисман ўзгарган. Яъни пахта экин майдони 23,3 гектарга, буғдой етиштириладиган майдон эса 14,4 гектарга камайган. Нарх-навонинг муттасил ортиб бориш шароитида жорий йилда хўжалик ишлаб чиқаришини амалга ошириш учун 2012 йилга нисбатан 21,7 фоиз кўпроқ харажат сарфланган ва эвазига 23,3 фоиз кўп ялпи маҳсулот олишга эришган.

Натижада олинган фойда миқдори 27,9 фоизга ортган. 1 гектардан олинган маҳсулотни етиштириш учун 70,5 фоиз ортиқ харажат килиниб, олинган ялпи маҳсулот охирги 3 йилда 72,8 фоизга, фойда эса 82,4 фоизга ортган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳамда фойда ҳам юқори яъни мос ҳолда 177,7 ҳамда 187,6 фоиз кўрсаткичларни ташкил этади. ходим ҳисобига тўланган иш ҳакиннинг охирги 3 йилда 82,4 фоизга ортганлигида кўришимиз мумкин. Иқтисодий самарадорликнинг яқунловчи кўрсаткичи ҳисобланган рентабеллик даражасини 24,1 фоиздан 25,8 фоизгача яхшиланганлиги хўжалик фаолиятига ижобий баҳо беришга асос бўла олади. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида оптимал самарадорликка эришиш рентабелликни камида 40,0 фоиз бўлишини тақозо этади.

Қўрғонтепа туманидаги "Мулкдор ободлиги" фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилни 2012 йилга нисбатан, %	
						Фарқи + -	%
1	Экин майдони	га	131,6	131,6	93,9	-37,7	71,4
	Пахта	га	69,6	69,6	46,3	-23,3	66,5
	Буғдой	га	62,0	62,0	47,6	-14,4	76,8
2	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	минг сўм	229 608,2	277 961,7	279 390,7	49782,4	121,7
	Иш хақи	минг сўм	59 483,7	72 760,8	75 294,2	15810,5	126,6
3	Ходимлар сони	нафар	49,0	49,0	34,0	-15	69,4
4	Ялпи маҳсулот	минг сўм	284 935,6	348 082,3	351 416,2	66480,6	123,3
	Фойда	минг сўм	55 327,3	70 120,5	72 025,5	16698,2	130,2
5	1 гектар ҳисобига:						
6	Ялпи маҳсулот	минг сўм	2 165,2	2 645,0	3 742,5	1 577,3	172,8
	Фойда	минг сўм	420,4	532,8	767,0	346,6	182,4
	Харажат	минг сўм	1 744,7	2 112,2	2 975,4	1 230,7	170,5
	Иш хақи	минг сўм	452,0	552,9	801,9	349,9	177,4
	1 ходим ҳисобига:						
7	Ялпи маҳсулот	минг сўм	5 815,0	7 103,7	10 335,8	4 520,8	177,7
	Фойда	минг сўм	1 129,1	1 431,0	2 118,4	989,3	187,6
	Иш хақи	минг сўм	1 214,0	1 484,9	2 214,5	1 000,6	182,4
	Рентабеллик	%	24,1	25,2	25,8	1,7	1,1

***Фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун 1-ФХ шаклдаги ҳисоботлари асосида тайёрланган**

Фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

Қўрғонтепа туманидаги "Мулқдор ободлиги" фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

2- жадвал

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирли- ги	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	69,6	69,6	46,3	66,5
2	Хосилдорлик	ц/га	31,4	29,7	36,1	115,0
3	Ялпи хосил	ц	2 185,4	2 067,1	1 671,4	76,5
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	120 111,8	146 517,5	157 483,8	131,1
	Шундан:иш хақи	минг сўм	37 474,9	45 420,4	49 449,9	132,0
5	Ходимлар сони	нафар	41,0	41,0	28,0	68,3
6	Ялпи маҳсулот	минг сўм	135 261,1	166 076,6	180 599,7	133,5
7	Фойда	минг сўм	15 149,4	19 559,1	23 115,9	152,6
8	1ц.пахтани таннархи	сўм	54 960,0	70 880,0	94 221,0	171,4
9	1 ц.пахтани сотиш бахоси	сўм	61 892,0	80 342,0	108 051,0	174,6
10	1 га ҳисобига:					
	а)Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1 725,7	2 105,1	3 401,4	197,1
	Б) Ялпи маҳсулот	минг сўм	1 943,4	2 386,2	3 900,6	200,7
	В) Фойда	минг сўм	217,7	281,0	499,3	229,4
11	1ходим ҳисобига:					
	а) Ялпи маҳсулот	минг сўм	3 299,1	4 050,6	6 450,0	195,5
	Б) фойда	минг сўм	369,5	477,1	825,6	223,4

	в) Иш хақи	минг сўм	914,0	1 107,8	1 766,1	193,2
12	Рентабеллик	%	12,6	13,3	14,7	1,2

Фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун 1-ФХ шаклдаги ҳисоботлари асосида тайёрланган.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012-2014 йилларда хўжалик пахта экин майдони 69.6 гектардан 46,3 гектарга камайиб борган. Хўжалик аъзоларининг саъйи ҳаракатлари ҳамда деҳқончиликдаги юқори малакаси эвазига 2014 йилда ҳосилдорлик ҳар йилдагидан ҳам юқори яъни гектаридан 36,1 центнердан ҳосил етиштирган, яъни 2012 йилга нисбатан 15 фоиз кўп ҳосил олишга эришган. Ҳосилни етиштириш учун сарфланган харажатларга (131,1 %) нисбатан Ялпи маҳсулотнинг (133,5 %) тезроқ ўсганлиги олинган фойданинг ҳам охириги 3 йилда 152,6 % га етишига сабаб бўлган. Маҳсулот етиштиришнинг якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини 12,6 фоиздан 14,7 фоизга кўтаришга эришишган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози нафақат хўжалик, балки тармок олдида маҳсулот таннархини 20% га тушириш ҳамда рентабеллик даражасини оптимал, яъни 35-40 фоизга етказиш вазифаси юклаган эди ва бу борада бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Бу кўрсаткичлар хўжаликнинг пахтачилик соҳасида тумандаги фермер хўжаликларига нисбатан юқори тажрибага эга эканлигидан, замон талабларига мос ишлаб чиқариш ҳамда бошқарувни йўлга қўя олганлигидан далолат беради.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Дехқончиликни иқтисодий самарадорлигини оширишда тармоқни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тармоқни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишда меҳнат унумдорлигини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Дехқончиликда меҳнат унумдорлиги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфларини камайиб бориш жараёнидир ва қуйидагилар билан асосланади:

- деҳқончилик хўжаликларини молиявий маблағ барқарорлиги;
- самарали моддий-техника ва хизматлар бозорини мавжудлиги;
- тармоқни механизациялашганлик даражаси;
- талаб ва таклифга мос ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш;
- жонли меҳнатдан камроқ фойдаланиш ва бошқалар.

Бозор муносабатлари қонуниятлари амал қилаётган шароитда маҳсулот етиштирувчиларнинг асосий мақсади кўпроқ даромад олишга қаратилган бўлиб, улар ўз мақсадларига эришишда энг қулай ва самарали бўлган йўлни танлашади. Пировардида танланган йўл меҳнат унумдорлигини турли хил кўринишда шаклланишини юзага келтиради. Тармоқда арзон ишчи кучи мавжуд бўлган ҳолатда улардан фойдаланиш даражаси юқори бўлади ва меҳнат унумдорлигини пасайиши тенденциясини, техника воситалари хизматларининг арзонлиги эса деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини ўсиб бориш тенденциясини асослайди. Хуллас, деҳқончиликда меҳнат унумдорлигига эришиш тармоқда қуйидаги ижобий жиҳатларни шаклланишига асос бўлади:

- меҳнат сарфи ҳаражатларини қисқариши, ердан, сувдан, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- маҳсулот ҳажмини интенсив ўсишига эришиш;
- маҳсулот таннархини пасайиши ва даромаднинг ортиши;

-маҳсулот етиштирувчилар моддий манфаатдорлигини ошири ва бошқалар.

Дехқончиликда моддий-техника ресурслари таъминоти масаласи тармоқни ривожланишига кескин таъсир ўтказувчи омиллардан ҳисобланиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларнинг харид баҳолари етиштирилаётган хом ашё харид баҳолари билан мутаносиб бўлиши талаб этилади. Аксинча, саноатда ишлаб чиқарилиб дехқончиликда фойдаланилаётган моддий техника ресурсларининг нархлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти харид нархлари ўртасидаги номуносаблик маҳсулот таннарини юқори бўлишига сабаб бўлиб, бу ҳолат тармоқ иқтисодий самарадорлигига ўзининг жиддий салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Аммо, дехқончиликнинг иқтисодий самарадорлиги моддий техника воситаларининг нархлари билан бир қаторда улардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Моддий-техника воситаларидан самарали фойдаланмаслик оқибатида агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказилмаслик ҳолатлари тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши ҳамда экин ҳосилдорлигининг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Тармоқ ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар мулкчилик муносабатлари билан бевосита боғлиқдир. Дехқончиликда мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни бозор муносабатлари талабларига мослаштирилиши ўз навбатида маҳсулот етиштирувчиларнинг мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатларини яхшиланишига олиб келади. Шу асосда дехқончиликда аграр муносабатларни шакллантиришда моддий мафаатдорлик тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Бу эса ижтимоий муносабатларга асосланган бозор иқтисодиётининг асосий талабидир. Ушбу мақсадни амалга ошириш тармоқда амал қилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштирилишига боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади.

Иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллар:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;
- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси;

- меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ҳамда рағбатлантирилиши;
- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;
- чорва ҳайвонлари, уларнинг маҳсулдорлиги;
- баҳолар, солиқлар, тўловлар даражаси;
- сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси;
- давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағ ва бошқалар.

Тармоқда ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотларини (айниқса буғдой, пахта хом-ашёси) сотиш ҳажмининг ошиши ҳамда уларнинг нархларининг ошиши натижасида ширкат ва фермер хўжаликларининг пул тушумлари ошиб борган.

Лекин шу сотиб олинган маҳсулотлар учун маблағнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги учун хўжаликларнинг пул тушумлари тез сурътлар билан ошаётгани йўқ. Демак, келажакда товар пул муносабатларини, яъни тўлов тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим. 2004 йилда шу масала бўйича қишлоқ хўжалик субъектларидан 565 таси хўжалик судларига мурожаат қилганлар. Бу ҳол эркин бозор муносабатларини ҳам бажарилмаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун келажакда барча эркин бозор муносабатларини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ хўжаликлари корхоналари ўсимликчилик маҳсулотлари ҳажмини 2004 йилда оширишга эришганлари муносабати билан ўзларининг ялпи ва соф фойда суммасини кўпайишини кутмоқдалар. Айниқса, соф фойда суммасининг кўпайиши корхоналарни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш билан биргаликда уларнинг меҳнат ресурсларини рағбатлантириш ҳам таъминлаш имкониятини беради. Бу ҳол ўз навбатида аҳолини турмуш даражасини юксалишини таъминлайди.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун кўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминиди ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади. Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат характерини ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги иқтисодий категориялар салмоғи ва қийматининг ўсиши корхонанинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодиёти, самарадорлик юксалиши негизидир. Шунинг учун бу масалага республикада алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид баҳолари имконият доирасида оширилмоқда, тижорат банкларидан олинаётган кредитларнинг тўлаш муддатлари айрим вақтларда биров кечиктирилмоқда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит олишда, солиқлар тўлашда имтиёзлар яратилмоқда, чет эл инвестицияларини жалб этишда ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятининг иқцодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ташкилий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирларни вақтида, сифатли ўтказишлари зарур.

Етиштирилаётган маҳсулотлар самарадорлигини юксалтириш учун эса ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-

хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Республикада ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларини ташкил этиш, мустахкамлаш ва самарали фаолият кўрсатишларни таъминлаш бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Улар жумласига фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкалари ҳажмини оптимал даражага етказиш ва уларни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар киради. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги ерлари тўла инвентаризациядан ўтказилиб фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер участкаларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, асосланган ва пухта ўйланган йириклаштириш жараёни амалга оширилди.

Фермер хўжаликларида бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини кескин ошириш чораларини кўриш зарур. Маҳсулот рақобатбардошлигини оширилиши фермер хўжалигида фойдани кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиявий жихатдан таъминлаш ва моддий манфаатдорликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни кескин кўтариш имкониятини беради.

Юқорида таъкидланган барча тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида ўсимликчилик маҳсулотлари миқдори кўпайиб, уларнинг самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Хулоса

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

Биз Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида фермер хўжалигида мавжуд маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни ташкил этиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Фермер хўжалигида мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, фойдаланиладиган ерларни турли мақсадларда ажратиш, улардан амалдаги қонунлар асосида фойдаланишни, ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш; фермер хўжалиги ҳудудида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- фермер хўжалиги ҳудудида мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишда янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- Фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг қуламда жорий этиш чора-тадбирларини қуриш керак. Чунки, ташки инвестициялар фермер хўжалигини моддий-техник базасини талаб асосида шаклланишининг ишончли омили ҳисобланади.

- Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ҳамда бошқарувни такомиллаштириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш зарур.

Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни янада ошириш мақсадида энг аввалло етиштирилаётган маҳсулот таннарини арзонлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиши лозим, бунда энг аввало арзон ва самарали технологиялардан фойдаланиш, моддий

техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот етиштириш жараёнида ортиқча харажатларга юл қўймаслик ва энг асосийси асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган чора-тадбирларини фермер хўжалигида муваффақиятли амалга оширилиши - фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигини янада ошириш учун асос бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1..Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги конуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
- 2.Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.Тошкент-2008й.
- 3 . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478 фармони.Тошкент-2012й.
- 4 . Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрел, 106-сон.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июн,176-сон
- 6.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш.,2013 йил 26 сентябр,49-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2015.

10. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил

11. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом». Тошкент-“Адолат”-1999й.

13. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

14. А.Исмоилов, О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.

15. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.

16. Ў.П.Умрзаков ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия” 2007.

17. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.

18. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004

19. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.

www.msu.ru. – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факултети.

